



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

B U Y R U G ‘I

2022 yil “15 ” октябрь

№287

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги
давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига
риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори ҳамда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, ходимларда хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, юқори масъулият ва ташаббускорлик билан ёндашишни таъминлаш, содир этилиши мумкин бўлган ножўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, улар томонидан ижро интизомининг бузилиши, номуносиб ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилишига йўл қўйилмаслик мақсадида буюраман:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат фуқаролик хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда – Одоб-ахлоқ қоидалари) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Одоб-ахлоқ комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Кадрлар бошқармаси (Н. Кадиров)

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамда вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарлари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги давлат фуқаролик хизматчиси мақомига эга бўлган барча ходимларини Одоб-ахлоқ қоидалари билан белгиланган тартибда **таништирилишини таъминласин;**

тизимдаги давлат фуқаролик хизматчиси мақомига эга бўлган барча ходимларнинг Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларига амал қилишини доимий **мониторинг** қилиб борсин.

3. Фан ва таълим бошқармаси (У. Исмаилов), Кадрлар бошқармаси (Н. Кадилов):

бир ҳафта муддатда Одоб-ахлоқ қоидаларида белгиланган талабларнинг, назарда тутилган тартибларнинг мазмун-моҳиятини барча ходимлар **эътиборига етказиш** мақсадида ўқув-семинар ўтказсин ҳамда **ходимлар масъулиятини кучайтириш** юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин;

ўтказилган ўқув-семинарлари тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агаентлигига тақдим этсин.

4. Вазирлик тизимидаги давлат фуқаролик хизматчиси мақомига эга бўлган барча ходимлар макур буйруқ билан тасдиқланган одоб-ахлоқ қоидалар талабларини **доимий ёдда тутиши** ҳамда кундалик фаолиятида **ушбу тартиб-таомилларга тўлиқ амал қилиши шартлиги** ҳақида **қатъий огоҳлантирилсин.**

5. Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилиши қонунчиликка мувофиқ интизомий ёки бошқача жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

6. Ташкилий-назорат бошқармаси (У. Турабов) ўрнатилган тартибда мазкур буйруқ нусхаларини вазирлик марказий аппарати ва тизимдаги барча ташкилот-муассасаларга етказилишини таъминлансин.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



Б. Мусаев